

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 221 (11.282) Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияларида йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилиши назарда тутилган масалалар кўриб чиқилди.
- Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғона шаҳрида шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида одам савдосига қарши курашиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- Термиз шаҳрида Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчилар билан учрашув ўтказилди.
- Самарқандда Япония сарой мусикаси созандалари қадимий шаҳар жамоатчилиги ва меҳмонлари хузурда «Жаҳон мероси концерти — Самарқанд» дастурини намойиш этишди. Ушбу кўшма лойиҳа Япония жаҳон мероси концерти қўмитаси ва Самарқанд шаҳри ҳокимлиги томонидан ташкил қилинди.
- Қува туманидаги «Кайкубот» тайёрлов-савдо корхонаси Екатеринбург шаҳрининг «Альянс» очик акциядорлик жамияти билан меваларни етказиб бериш юзасидан юз минг долларлик қийматда шартнома имзоланди. Ҳозирда ушбу тайёрлов тармоғи 2 минг тоннадан ортик сараланган меваларни жўнатишга тайёрлаб қўйди.
- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълиқларида келиб чиқиб, UNITED SOST фирмаси мутахассислари таълим муассасаларида ўқитиш тармоғини автоматлаштириш тизимини яратдилар. Мазкур дастур таълим бериш жараёнини назорат қилиш ва унинг сифатини яхшилашда юқори натижага эриштиши таъминлайди.
- «Ўзбекиневест» сугурта компаниясида сугурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Ишонч телефони» линияси ишга туширилди.
- Урганч шаҳрида жойлашган «Ўз Олмон Хотелз» кўшма корхонанинг «Хоразм Палас» меҳмонхонаси Испаниядаги «Савдо лидерлари клуби» томонидан дунёдаги энг йирик сайёҳлик компаниялари, нуфузли меҳмонхоналар фаолиятини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган халқаро мукофотга лойиқ деб топилди.
- Шўрчи мебель фабрикаси негизда «Ўз-Осией Делта» ўзбек-хитой кўшма корхонаси ташкил этилди. Низом жамғармаси 287 минг АҚШ долларига тенг бу фабрика тўлиқ қувват билан ишлаш бошлади.


- Брюсселда ўтказилган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар саммитида анжуман қатнашчилари томонидан Россия билан стратегик шериклик юзасидан музокараларни тиклашга, шунингдек, декабрь ойидан бошлаб Сомали денгиз қароқчиларига зарба бериш учун ўн та ҳарбий кема ажратишга қарор қилинди.
- Кеча АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама ўз рафиқаси билан Илк бор Оқ уйга келди. Унинг президент Жорж Буш билан бевосита суҳбати чоғида мамлакат бошқарувини қабул қилиш, кучли молиявий инкисордан чиқиш ҳамда Ироқдаги уруш масалалари муҳокама қилинди.
- Хитой ҳукумати 586 миллиард долларлик ҳажмда мамлакат иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш режасини тайёрлади. Унда маблағнинг катта қисмини инфратузилмани қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда ижтимоий эҳтиёжларга сарфлаш кўзда тутилмоқда. Ушбу дастурнинг амал қилиш мuddати 2010 йилгача мўлжалланган.
- Владивосток яқинидаги Тинч океани флотида содир бўлган сув ости атом кема-си ҳалокати ўт ўчириш мосламасининг тасодифан ишга тушиб кетиши натижасида юзага келган. Дастлабки маълумотларга кўра ҳаводан кислородни сўриб олиш, оловни ўчиришга мўлжалланган фреон газининг чиқиб кетиши туфайли одамлар нафас олишга қийналиб, олти нафар ҳарбий ва ўн тўрт нафар ишчи ҳаётдан кўз юмган, 21 нафар кишининг аҳоли ёмонлашиб касалхонага ётқизилган.
- Кеча Италиянинг аксарият шаҳарларида жамоат транспорти ҳаракатсиз қолди. Бунга Италия жамоат транспорти ва темирйўл ходимларининг бир кунлик оммавий иш ташлаши сабаб бўлди. Иш ташловчилар ҳукумат томонидан турли тоифалардаги жамоат транспорти ва темирйўл ходимлари учун ягона меҳнат шартномаси жорий этилишига норозилик билдиришмоқда. Ушбу шартнома 2009 йилда кучга киради.
- Исроил навбатдаги ракета зарбаси берилганлигига қарамай Ғазо секторига газ етказиб бериши давом эттирмоқда.
- Бугун Польшада мамлакат мустақилликка эришганлигига 90 йил тўлиши муносабати билан байрам бали ўтказилди.

ЖАҲОНДА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИНГ УЛУШИ СЕЗИЛАРЛИ БЎЛМОҚДА. БОИСИ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ЧЕТ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ОРТИШИДА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ, БАЛКИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИГИ БИЛАН ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ҲАЖМИ ЮКСАЛИШИДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, БУНДАЙ КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАМ ЎЗ ЎРНИГА ЭГА.



Саноат

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

2006 йилдан буён фаолият юритаётган «Hi-Tech-Kabel» масъулия-чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Буюк Британия кўшма корхонаси ҳам аниқ шундай корхоналар сирасига қиради. Цехларда замонавий, хорижий юксак самарали — жаҳон андозлари даражасидаги технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар ишчи-хизматчиларга ҳақиқий маддадор бўлмоқда, энг сўнгги технологияларни қўлланилиши йилдан-йилга сифатли ва рақобатбардош электр кабеллар ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортишида, товарларнинг экспорт ҳажмини оширишда катта ўрин тутмоқда.

раоппарат — Электрошритт корхоналарига муносиб рақобатчиға айланган. Шу боис ҳам жаҳон андозларига мос тарзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан Россия, Тожикистон каби қўллаб Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг барча маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, давр асосан Ўзбекистон ва Россия давлатларининг етакчи лаборатория-марказларида синовдан ўтказилиши билан ажралай туради.

Мазкур корхонанинг ҳозирда 350 нафардан зиёд малакали, ўз касбининг моҳир усталари бўлган ишчи-хизматчилари тайёрлаётган электр маҳсулотлари қўллаб тармоқларда — халқ ҳужалиғида, саноатда халқ истеъмоли моллари сифатида ишлатилади, ранг-баранг кабеллар уртимиздаги тоғ-кон комбинатлари, авиация, денгиз транспорти, нефть-газ ўтказгичлари, темирйўл, барча электр станциялари, қишлоқ ҳужалиғи, турар жой биноларида ниҳоятда кўл келмоқда. Айтиш мумкинки, «Hi-Tech-Kabel»чилар бугунги кунда «Ўзкабель» ва «Ўзэлект-

тайёрланган» ёрлиги билан Россия, Тожикистон каби қўллаб Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг барча маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, давр асосан Ўзбекистон ва Россия давлатларининг етакчи лаборатория-марказларида синовдан ўтказилиши билан ажралай туради.

ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

ОИЛА ҲАМИША ИНСОНИЯТНИНГ ОЛИЙ КАДРИЯТЛАРИДАН БИРИ. ФАРЗАНД ЭСА — ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ИНСОН ҚУВОНЧ ВА МУҲАББАТИНИНГ ИФОДАСИ БЎЛИБ КЕЛГАН. БОЛАЛАР ДУНЁГА ЎЗГАЧА КЎЗ БИЛАН ҚАРАЙДИ, ҲАТТО ЭНГ МУРАККАБ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҲАМ УЛАРНИНГ ЎЗ ҚАРАШИ БОР. БУНИ ПАЙҚАШ УЧУН УЛАРНИНГ ОВОЗИНИ ЭЗИТИШ, ФАРЗАНДАЛАРИМИЗНИНГ ҚАЛБЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТИШ КИФОЯ. ШУНДА, БОЛАЛАР БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРИШ, ШУБҲАСИЗ.

Каска сатрларда

- **КЕЧА** шаҳримизда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Жанубий Корея нефть-газ корпорацияси вакиллари иштирокида нефть ва газ соҳаларини ривожлантиришда икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш масалаларига бағишланган тадбир уюштирилди.
- **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши қошида фаолият юритаётган «Сардорлар мактаби» аъзолари иштирокида ўтказилган тадбир «Камолот»да камол топдим» деб номланди.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги 1-музыка мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Музыка ҳафталиги» тадбири доирасида уюштирилган кеча ва концерт дастури Ёшлар йилига бағишланди.
- **СЕРГЕЛИ** туманида «Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва маслаҳатчиларининг жамият тараққиётида тугган ўрни» мавзусида ўтказилган тадбирда туман фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маслаҳатчилари, сайловни ўтказувчи ишчи гуруҳлари аъзолари ва ёшлар иштирок этишди.

Болалар дунёни қандай кўрс, шундайлигича акс эттиради. Шунинг учун ҳам болалар томонидан яратилган сурат ва расмларда ҳаётнинг барча ранглари, унинг барча қирраларини кузатиш мумкин. Тасвирий санъат орқали болалар ўз истеъодларининг янги-янги қирраларини очибгина қолмай, ижтимоий ва ҳаётки глобал муаммолар борасида ҳам ўз муносабатини билдириш учун имкон топади.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган болалар фотосурат ва расмлари кўргазмаси айнан мана шу — болаларга ўз истеъодини намойиш этиш ва замонавийнинг энг долзарб масалалари юзасидан фикр билдириш имкониятини бериш мақсадида ташкил этилди.

Тошкентдаги Болалар ижодиёти марказида очилган кўргазмадан жой олган асарларда таълим-тарбия, ногиронлик, оилада яшаш ҳуқуқи, жамият, маданият, табиати асраш мавзулари кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил эта бошлаш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда банкнинг иштирокини кенгайтириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини активлаштириш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандчилигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологияларни ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг қўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2008-2009 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг устав капиталини 1-иловага мувофиқ қўшимча 72 млрд. сўмга қўлайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд.сўмга етказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.
2. Куйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг асосий вазибалари деб ҳисоблансин: мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш орқали янги корхоналар ва иш ўринларини яратиш учун бошланғич капитални шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, қишлоқ жойларда қўллаш; тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хомашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республика миёда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдирish учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш; тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналари техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва мини-технологияларни, шу жумладан, микролизинг шартлари асосида сотиб олишлари учун шарт-шароитлар яратиш; фермер ва деҳқон ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологияларни, чорва мол, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, сўғирishi, тупроққа ишлов беришининг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш; тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариладиган рақобатбардош маҳсулотлар кўргазма, ярмаркаларини ташкил этишда, реклама кампанияларини ўтказишда, шунингдек, уларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишининг бошқа шакллари ташкил қилишда тадбиркорларга ёрдам бериш; банк ижозларига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, янги банк маҳсулотларини амалиётга жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлардаги банк хизматларидан кенг қўламда фойдаланишларини таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тармоғини кенгайтириш; микрокредитлаш ва микролизинг


Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 ноябрь

Зафар АБДУҒАФФОРОВ,
«Жаҳон» АА.

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмокда

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».



ПОЙТАХТИМИЗДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ИШТИРОКИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚҲМИТАСИ БМТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ ВА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРДА ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ, ЖАМОАТ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМЛАР, МУТАХАССИСЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, келажақ авлодларга мусоффо табиатни мерос қолдириш, табиий бойликларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш Президентимиз Исроом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари мунтазам такомиллаштириляётгани, Асосий Қонунимизда ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар изчил ҳаётга татбиқ этиляётгани ўз самараларини бераётди.

Бу борада Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қўламли дастур ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Илм-фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда оқилона фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларда экологияга беэарар, соф технологияларни қўллашга қаратилган бундай эътибор туфайли кейинги йилларда ҳавога ифлосланувчи моддалар чиқарилиши икки ярим баробар, очик сув ҳавзаларида саноат оқувларини оқизиш эса икки баробар камайди.

Мухобил энергия манбаларидан фойдаланиш, табиатдан фойдаланишнинг икхиссий механизмларини такомиллаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, экологик таълим ва экожурналистикани ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Анжуманда бутун дунёда тобора долзарб муаммога айланган чикиндиларнинг атроф-мухит ва инсон саломатлигига зийнени камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Чикиндилар тўғрисидаги қонунини кабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим дастуриламал бўляпти.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари тегишли соҳалар ҳодимлари билан ҳамкорликда чикиндиларни йиғиш, ташвиш, зарарсизлантириш, бу борадаги ишларнинг ташкилий ва ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, чикиндилар ташланганидан жойларни инвентаризация қилиш, ушбу йўналишда жойдан тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича борада кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар мутахассислари ва олимлар билан ҳамкорликда чикиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасининг ишлаб чиқилиши бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда янада такомиллаштиришда муҳим омил бўляди.

Конференцияда Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш, бу борада жажондаги илгор тажрибани чуқур ўрганиш ва ундан амалда самарали фойдаланишга қаратилган доимий эътибор халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Экологик барқарорликни таъминлашда жамоатчилик иштирокини кўчатириш, чикиндиларнинг инсон саломатлигига ҳамда атроф-мухитга салбий таъсирини камайтиришга бағишланган мазкур анжуман ҳам ана шундай ҳамкорликнинг амалдаги самараларидандир.

Уч кун давом этадиган анжуманда табиатдан оқилона фойдаланишга доир тадбирларнинг бажарилиши ва аҳоли экологик маданиятини оширишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари бераётган самаралар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари ва чикиндиларни камайтириш борасидаги лойиҳалар, экологик таълимни ва экожурналистикани такомиллаштириш борасидаги вазифалар, экологияга оид ахборотлар тарқатиш қўламини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланеди.

Баҳор ХИДИРОВА, Ўза мухбири

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2006 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ Тўғрисидаги ҚОНУНИГА МУВОФИҚ, ЮРТИМИЗДА НОЯБРЬ ОЙИНИНГ ИККИНЧИ ЯКШАНБАСИ ШИФОКОРЛАРИНИНГ КАСБ БАЙРАМИ СИФАТИДА НИШОНЛАНМОҚДА. ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ УШБУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА КўПЛАБ ТАДБИРЛАР Бўлиб ўтди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда соҳа ходимлари, олимлар, халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров Президентимиз Исроом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда тиббиёт ходимларига қўрсатиляётган доимий эътибор ва ғамхўрлик соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар қўламини янада кенгайтириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, халқимизга қўрсатиляётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини оширишда муҳим омил бўляётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиляётгани туфайли бирламчи тиббий муассасалар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шовилчин ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиш тизимини ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳаси ва бошқа йўналишларни ривож-

лантириш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Кенг қўламли ислохотлар туфайли илгари самарасиз иш юритган фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари негизда замонавий диагностика воситалари ва тиббий асбобу-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари вужудга келди, оилавий поликлиника тизими жорий этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган скрининг марказларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ва жажон тиббиёт илми ютуқларидан оқилона фойдаланиш доимий эътиборда.

Президентимиз Исроом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони тиббий хизматни халқимизга янада яқинлаштиришда муҳим дастуриламал бўляпти.

Мазкур фармон соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳужжат-

да белгиланган вазифалар изчил ижро этиляётгани туфайли ҳозирги кунда барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат қўрсатувчи қўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Замонавий тиббий диагностика марказлари ишга тушди.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий жаҳада эришилаётган бундай ютуқлар жажондаги нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи экспертлар томонидан алоҳида эътироф этиляпти.

Тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Танд Ўзбекистонда аҳоли соғлиқини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг меҳнатини эъзозлаш ва кадрлашга қаратилган улкан эътибор келгусида янада юксак самаралар беришига ишонч билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар шифокорларнинг меҳнатини эъзозлаш, соҳа мутахассислари ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун барча шароитларни яратишга қаратилган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изхор этдилар.

Тадбир сўнгаш усталари ва ёш ихрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Ўза

Иқтисодиёт

Янги моделлар асосида

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН» ЁРЛИҚЛИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БОЗОР ВА САВДО ПЕШТАХТАЛАРИДАН МУНОСИБ ўРИН ОЛАётгани ва ХАРИДОР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНАётгани ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ СИДҚИДИЛДАН ИЗЛАНАётгани САМАРАСИ ДЕСАК, АСЛО МУБОЛАҒА ЭМАС.

Албатта, бу борада тадбиркорларимиз учун мамлакатимизда яратилган қулай имкониятлар, қўллаб-қувватлашлар яхши натижа бермоқда, эркин фаолиятларини таъминламоқда. Шу боис бўлса керак, ички бозорда импорт ўрнини босувчи товарларимиз ўрни ва салмоғи ортиб бормоқда. Жумладан, пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият қўрсатаётган «SHAFaq TEKSTIL» қўшма корхонаси ҳам ана шундай тадбиркорлик субъектлари қаторидан ишга олган бўлиб, жамоода танлов асосида ишга қабул қилинган 30 нафарга яқин чевар меҳнат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кичкинтойлар учун хорижникидан асло қолишмайдиган либослар ва дунёга келган мурғак гўдаклар учун турли тўпلام ва кийим-кечақлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадбиркорлар маҳаллий хом ашёдан, яъни юз фоиз пахтадан тайёрланган сифатли матолардан фойдаланишмоқда.

Корхона чехларидега замонавий тикув, гул босиш, нақш солиш машиналари ўрнатилган бўлиб, улар, албатта маҳсулот қўриниши ва сифатини таъминлашда қўл келмоқда. Шу боис ҳам бозорни ўрганиш асосида жажжи болажонлар учун керакли ашёлар ва кичкинтойлар либослари модели 200 хилдан ошиб кетди. Ҳозирда эса болажонлар учун кузги-қишки кийим-кечақлар тикилмоқда. Улар қулай ва қўркамлиги, иқлим шароитимизга мослиги билан ажралайди. Жорий йилнинг ўзида корхона дизайнер-модельерлари томонидан 20 тадан зиёд янги моделдаги либослар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Ички бозорда «SHAFaq TEKSTIL» савдо белгиси билан ўз ўрнини топаётган корхона аҳли яқин келгусида маҳсулотларини Россия ва бошқа Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилишни режалаб туришибди.

Буюртмалар ортимоқда

СИФАТ ДОИМИЙ НАЗОРАТГА Бўлган Жойда, ШУБҲАСИЗ Буюртмачи ТАЛАБИ Кўнгилдагидек ҚОНДИРИЛАДИ. ШУНИНГ АСОСИДА ЭСА Буюртмалар ҲАМ Ортиб, МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИДОРГИР ТУРЛАРИ КўПАЙИБ БОРАДИ.

Бугунги бозорнинг ҳам асосий талаби шундай. Харидор талаб ва дидидан келиб чиқиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган, бозорни тинмай ўрганиш асосида товарлар турларини кўпайтирган корхона ўз истиқболини ҳам белгилайди, буюртмалар портфели ҳам тўлиб бораверади.

Пойтахтимизда 10 йилдан буён фаолият қўрсатаётган «Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ҳам бунёдкорликда нияҳотда қўл келадиган замонавий қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилмоқдаки, улардан юртимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларида самарали фойдаланиляпти. Турли хил металл черепицалар, том ёпиш жиҳозлари, алюминий ва пластик эшик-ромлар, деворлар учун безак маҳсулотлари, дарвоза ва панжаралар, гипскартон, ёритиш ускуналарига бўёқлар шулар жумласидан бўлиб, уларни ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, агарда буюртмачи талаби тақазо этса, корхона усталари жойларга бориб ўз маҳсулотларини ўрнатиш ишларини ҳам тез ва соз бажаришади.

Ҳозирда ишлаб чиқаришнинг йил сайин ривожланиб бориши натижасида ишчи-хизматчилар сафи 100 нафарни ташкил этаётган қўшма корхонада уларнинг меҳнат қилишлари, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг маҳорати ва малакаси маҳсулот турлари ҳамда сифатида яққол акс этмоқда. Бунинг исботини эса қўллаб маҳсулот турларининг Тожикистон, Туркменистон сингари қўшни давлатларга экспорт қилинаётганидан, йилдан йилга хорижий харидорлар ортиб бораётганидан ҳам билса бўляди.

Шарофат БАХРОМОВА

Ўқув адабиётлар топширилди

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ Бешта ўқув юртига Япония элчихонаси ва фонди томонидан Япон тили бўйича янги ўқув адабиётлари топширилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур тадбир Ўзбекистондаги ўқув юртларини қўллаб-қувватлаш ва япон тилини ўқитишда қулайликлар яратишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги жажон тиллари лицейи, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети, Самарқанд Давлат чет тиллари институти, Туризм ва машиной хизмат коллежи, 2-мактабгача таълим муассасаси ушбу адабиётлар билан таъ-

минланди. Айтиш жоизки, ушбу хайрли иш Япон Фонди томонидан дунёнинг қўнгина давлатларида ўтказилди. Унда адабиётлар, луғатлар, ўқитувчилар учун услубий қўламанлар тарқатилди. 2007 йил сарҳисобига кўра, Фонд томонидан 104 та давлатнинг 1034 та ўқув юртлари янги адабиётлар билан таъминланган.

Ботир МУСУРМОНОВ, «Туркистон-пресс»

Истеъро молчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида гуруч курмаксиз бўлмайди

СИЗ ХАРИД ҚИЛГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАСМИ? ЁКИ СОТУВЧИ СИЗНИНГ Истеъро молчи СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚИНГИЗНИ КАМСИТДИМИ? ЎЗИНГИЗНИ УРИНТИРМАНГ. «ГУРУЧ КУРМАКСИЗ Бўлмайди», ДЕГАНЛАРИДЕК, БУ ТАРЗДАГИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ УЧРАБ ТУРИШИ, ТАБИЙ ҲОЛ. МУҲИМИ, УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИГАН ҚОНУН, МЕЪЁРИЙ ҲУҲЖАТЛАР БОР. ҚўЙИДА АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚОНУН ЙўЛИ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТИЛИШИГА ДАХЛДОР ЛАВҲАЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ:

«LG Elektroniks Overseas Trading FZE» компанияси бош ваколатхонасида «LG» русумидаги совутгични 987.000 сўмга сотиб олган. Бирок мазкур маҳсулот истеъро молчи томонидан ишлаб кўрилганида унинг техник таъмирга муҳтожлиги сезилди. Ҳозирда ваколатчи ташкилот аралашуви билан совутгич бепул таъмирлаб берилган.

Ҳамза тумани Қурувчилар кўчаси, 9-уй, 40-хонадонда яшовчи Л.Қосимова «TOSHKENT UNIVERMAGI» супермаркетидан 135.000

сўмлик «SIEMENIES» русумидаги радиотелефон харид қилган. Лекин ушбу маҳсулотнинг яроқсизлиги маълум бўлган, сарфланган маблағ эгасига қайтарилган.

Юнусобод тумани Ниёзбек йўли кўчаси, 10-уй, 2-хонадонда яшовчи корейс миллатига мансуб А.Ли «Лавандерия» кимёвий тозалаш корхонасига 280.000 сўмлик қишки иссиқ кийимни 140.000 сўмга тозалаш учун берди. Бирок кўрсатилган зери сифатсизлиги боис, истеъро молчи А.Лиға тегишли маблағ ундириб берилган.

Шаҳримизнинг Рафикова кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи С.Қаюмова «Чилонзор буюм бозори»даги Абу Сахий мажмуаси 3-қатор, 51-савдо дўконидан 40.000 сўмлик «Франсеско Беллини» русумидаги эркаклар қўйлақларини сотиб олган. Лекин мазкур маҳсулот сифатсиз қишқанлиги боис, истеъро молчиға 20.000 сўмлик 2 дона қўйлақ алмаштирилган.

Ҳамза тумани Лисунов кўчаси 2-мавзе, 36-уй, 18-хонадонда яшовчи С.Муро-

даги «Мотел» савдо дўконидан «FUOTROLA K-1» русумидаги уяли телефон аппаратини 240.000 сўмга харид қилган. Аммо мазкур маҳсулотнинг техник нуқсонли эканлиги аниқланган, истеъро молчиға тегишли маблағ ундирилган.

Хурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари! Сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам нуқсон сезилдими? Бундай ҳолатларда Тошкент 700185, Бунёдкор шоҳуҷаси 23-уйга мурожаат этишингиз мумкин. Телефонлар: (998 712) 276-90-46, факс: 276-89-35. E-mail: toozppuz@mail.ru.

Тошкент шаҳар истеъро молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Дерматовенерологлар анжумани

ПОЙТАХТИМИЗДА ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲАМДА ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГЛАР УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ ВА ШИФОКОРЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА РОССИЯДАН КЕЛГАН МУТАХАССИСЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Н.Шаропов мамлакатимизда Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга ошириляётган туб ислохотлар натижасида шифо масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, халқимизга тиббий хизмат қўрсатиш сифати тобора яхшиланаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада илм-фан эришяётган ютуқлар ва жажон тиббиётининг янгиликларидан амалда кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиётнинг бошқа жаҳаларида бўлганидек, дерматология ва венерология соҳасида ҳам касалликларнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг илгор услубларидан оқилона фойдаланишмоқда. Жумладан, ички касалликлар, асабийлашув ва иммунологик ўзгаришлар асоратида келиб чиқадиган экзема касаллигининг янги усули яратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирига қарашли дерматология ва венерология илмий тадқиқот институтидан маълум қилишларича, мазкур илм даргоҳида бу борада олти та давлат гранти асосида илмий изланишлар амалга ошириляпти. Тадқиқотлар натижасида яратилган янги даволаш усуллари замбуруғли тери касалликлари, псориаз, витилиго сингари жажон тиббиётининг долзарб муаммоларини бартараф этишга бағишлангани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аҳолига дерматовенерологик хизмат қўрсатиш борасида уч юзга яқин диспансер, кабинет ва бўлим иш олиб бораётди. Ушбу шифо масканларида қарийб 900 нафар шифокор фаолият юритмоқда. Бирламчи тиббий ёрдам қўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган улкан эътибор туфайли барча қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий шифокорларда дерматовенерологик хасталикларни аниқлаш, олдини олиш ва бирламчи тиббий ёрдам қўрсатиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз илм-фани ва жажон тиббиётининг илгор ютуқларини ўзлаштириш ва улардан амалда самарали фойдаланишда муҳим дастуриламал бўляпти.

Икки кун давом этадиган анжуманининг биринчи куну болалар ва катталарда учрайдиган турли териканосил касалликларининг олдини олиш, тез ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг самарали усулларини қўллаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Бу борада жажон тиббиётда эришляётган ютуқлар, уларни мамлакатимиз тиббиётда қўллаш самаралари хусусида фикрлашилди.

Ўза

«ПОЙТАХТ» БИЗНЕС-МАРКАЗИДА ЕТТБ НИНГ «BAS PROGRAMME» ИШЧИ МАСЛАХАТ ДАСТУРИ ВА МУТАХАССИС БИЗНЕС МАСЛАХАТЧИЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ, «EXROSCONTACT» КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА «КОНСАЛТ ФОРУМ» ИККИНЧИ КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ КўРГАЗМАСИ Бўлиб ўтди.

БИЗНЕС-МАРКАЗДА КўРГАЗМА

Кўрғазма консалтинг компанияларининг истиқболдаги мижозлар билан яқин муносабати долзарблигини инобатга олган ҳолда ўтказилмоқда, шу билан бирга консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш, ҳамда бизнес доираларига консалтинг компаниялари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини бериши ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди кўрғазманиннг очилиш маросимида «BAS» дастурининг Ўзбекистон бўйича миллий директори Назар Толибжонов.

Кўрғазма доирасида Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларининг консултантлари иштирокида 12 мастер-класс ўтказилди. Бундан ташқари етакчи мутахассислар иштирокида миллий консалтинг бозори ривожланишининг долзарб йўналишлари муҳокамасига бағишланган «Урта Осие мамлакатларида консалтинг» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги тадбир амалий характерга эга бўлиб, консалтинг назарий асослари билан бирга бошқарувдаги масалаларни ечиш тамойилларини намойиш этди.

Шунингдек, тадбирда мутахассислар томонидан консалтинг-форумнинг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтилди. Унга қўра, бизнесни стратегик ривожлантириш, брендинг ва маркетинг, инжиниринг ва энергия тежовчи технологиялар каби бир қатор муаммоларни кўрғазма асосий йўналиш сифатида белгиляйди. Бунинг сабаби, бугунги кунда қўнгина компания раҳбарлари бизнес режани тайёрлаш, кредит олиш, инвестицияларни жалб қилиш, ҳамкорларни кидириш, бозордаги улушини ошириш ва ташқи бозорга қишлоқда муаммолар юзасидан консалтинг компанияларига мурожаат қилишлари лозим дея алоҳида таъкидланди.

Ботир МУСУРМОНОВ «Туркистон-пресс»

САНЪАТ МАКТАБИДА МУСИҚА ҲАФТАЛИГИ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КУЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНИ ЎТҚАЗИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ, БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМКОРЛИҚДА «МУСИҚА ҲАФТАЛИГИ» ТАДБИРИ ДОИРАСИДА ТУРЛИ ХИЛ МУСИҚИЙ ДАМ ОЛИШ КОНЦЕРТЛАРИНИ ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИДА ЎТҚАЗДИЛАР.

Чилонзор туманидаги 15-Болалар муслика ва санъат мактабиде ҳам муслика ҳафталигига бағишлаб «Ватанимни, чаманингни куйлайман» деб номланган концерт дастури ташкил этилди.

— Айна кунларда ўқувчилар кузги таътилда мазза қилиб дам олмақдалар, — дейди Чилонзор туманидаги 15-Болалар муслика ва санъат мактаби директори Ҳамидулла Садуллоев. — Президентимизнинг 2008 йил 8 июндаги «Болалар муслика ва санъат мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва унинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори

ижросини таъминлаш, болалар ўртасида муслика ва санъатни кенг тарғиб этиш, муслика ва санъат мактаблари ўқувчилари орасида алоҳида иқтидор ва истеъдод соҳибларини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мазкур мактаблардаги таълим-тарбия фаолиятини жамоатчиликка янада қачонроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги болалар муслика ва санъат мактабларида кузги таътил кунларида «Муслика ҳафталиги» ўтказилмоқда. Бугунги «Муслика ҳафталиги» байрамга бағишлаб ўтказаятган концертимиз ҳам юқоридеги



Айниқса, Мухиддин Қориевқубов номидаги кўриқ- танловнинг шаҳар босқичи совриндори, биринчи синф ўқувчиси Фозил Фарҳодов ижро этган «Ўзбекистон», учинчи синф ўқувчиси Бехзод Шокиров ижросидаги «Капалак», хореография бўлими ўқувчилари ижросидаги «Кукарелла» рақси, бешинчи синф ўқувчиси Мадина Аҳмедова ижро этган «Севги тарихи» ва «Тошкентим», «Ретро», «Табасум», «Ешлик», «Менуэт», «Дуторим» каби куй ва кўшиқларга, дилрабо куй ва кўшиқларга бўлган концерт барча иштирокчиларнинг қалбиде ҳуш қайғият уйғотди.

Концертга Чилонзор туманидаги 103, 162, 178-умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳам ташриф буюрдилар.

— Концерт менде жуда катта таассурот қолдирди, — дейди мазкур муслика ва санъат мактабининг бешинчи синф ўқувчиси Мухлиса Агамова. — Мен концертда «Табасум» деб номланган кўшиғимни ўқитувчим Ш. Файзуллаев ёрдамида ижро этдим. Мактабимизга таш-

Гулчехра ДҮРДИЕВА СУРАТДА: концерт дастуридан лавҳа.

Ҳамшаҳарларимиз

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

БАЪЗИ ИНСОНЛАРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИНИ ЁНИБ ТУРГАН ЁЛҚИНГА ҚИЁСЛАГИМ КЕЛАДИ. ЧУНКИ БУ ЁЛҚИН ЎЗИДАН ДОИМО НУР ТАРАТИБ ЯХШИЛИККА ВА ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАБ ТУРАДИ. ҲАБИБУЛЛА АКА ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТ ДАВОМИДА ЭЗГУЛИКНИНГ ҲАМИША ҚАДРЛИ ЭКАНЛИГИ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ НОНИ ЭСА ЖУДА ШИРИН ВА ЯНА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ТАШЛАНГАН ҲАР БИР ОДИМ ЗАЛВОРИ ВА УНИТИЛМАС БЎЛИШИГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛДИМ.

Оддийгина, камтарин чехрасида бир олам маъно муҳассас бўлган бир инсон бир қарашдаёқ қалбнингизда меҳр тафтини уйғотди. Мен бугун ушбу муъжазгина мақолада Ҳабибулла аканинг машаққатли, аммо шарофли касблари ёки меҳнат зафарларига бой бўлган қувончли онлари, ёхуд талабалик даври, йиллар ва саналарга мурожаат этмоқчи эмасман. Эеро, орамизда шундай камтар инсонлар борлигини уларнинг ибратли ҳаёт йўллари барчамиз учун бир мактаб эканлигини айтиб ўтмоқчиман, холос.

Ҳабибулла ака кирқ йилдан кўпроқ умрини халқимизга сидқидилдан меҳнат қилишга бағишлаган, матбаа соҳасида ишлаб зиё тарқатишга ўз муносиб ҳиссасини қўшган камтар инсонлардан ҳисоблангани.

Дарҳақиқат, ёшлигиданок тиришқоқлиги, зийраклиги билан яқинларининг меҳрини қозонган Ҳабибулла Турсунов ўз меҳнат фаолиятини матбаа соҳасида бошлаб ҳали-ҳануз шу соҳанинг чин маънодаги жонқуяри сифатида фаолият юритиб келмоқда. Пойтахтимизда чоп этиладиган бир қанча газета ва журналларнинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада ва ўз вақтида тезкорлик билан, сифатли чоп этилиб боришида Х.Турсуновнинг ҳам ўрни ва меҳнатлари алоҳида таҳсинга са-

воров эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

— Мен яшаб ўтаётган умр лаҳзаларининг ҳар бир сониясида эзгулик ва яхшиликни, меҳнат ва покликни кўраман, — дейди биз билан суҳбатда Ҳабибулла Турсунов. — Чунки инсон ким бўлишидан қатъи назар ҳамиша одамийлигини ҳис қилиб яшай билиши керак. Кўп йиллар давомида матбаа соҳасида фаолият юритиб келмоқдам. Аммо ҳеч қачон ўз касбини суиистеъмол қилмаганман, виждоним амрига қўлоқ солиб, юрагим буюрганичи қўли ҳалол яшаётганимдан мамнунман. Истардимки, инсонлар ҳеч қачон одамийлигидан чиқмасин, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасин. Шу

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА НАВҚИРОН АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, ЕТУК ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ЁШЛАРНИНГ БАНДИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА ЁШ ОИЛАЛАРИНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

2008 — Ёшлар йили

Ёшлар камолоти йўлида

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида ушбу дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Бунда мунтазам ўтказиш туриладиган бўш иш ўринлари ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётир.

Автомобиль йўллари касб-хунар коллежини тамомлаган Асрор Аҳроров ана шундай ярмаркада олган йўланмаси буйича шаҳардаги 18-автотасу саройига ишга жойлашди.

Туманда фаолият олиб бораётган ўқув марказлари ва курсларида юзлаб йигит-қизлар компьютер саводхонлиги, тикувчилик, тўқувчилик, ҳайдовчилик, пандзаллик, дурадгорлик, сартарошлик, ошпазлик, электромонтерлик каби касб-хунар сир-асрорларини, чет тилларни ўрганди.

«Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»да компьютер саводхонлиги буйича ўқиб, ўз билим ва малакасини оширган Шоҳруҳ Расулов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгашида иш бошлади.

— Компьютер технологияси соҳасига қизиқаман, — дейди Ш.Расулов. — Мактабда, ўқув курсида ушбу соҳа буйича ўқиб-изланганим, иш жараёнида қўл келмоқда. Ниятим келажакда эгалланган билим ва малакани янада бойитиш ва ушбу соҳанинг етуқ мутахассиси бўлишидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бир ерда ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида Шоҳруҳ сингари 500 нафарга яқин йигит-қиз ишга йўланма олган бўлса, қолганларига меҳнат қончилиги буйича малакалар берилади.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида қўрилайтган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Бунинг билан-йилга ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони камайиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони учтепалик янги турмуш курган ёшлар учун ҳам катта имконият яратди. Қўллаб ёш оилалар имтиёзли ипотека ва истеъмол кредити олиб, уй-хўй ва маънавий шароитини яхшиламоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг туман филиалидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида банк томонидан ўттизга яқин ёш оилага имтиёзли ипотека ва истеъмол кредити берилган.

Мазкур банкдан кредит олинган Жавлон Дадамұхамедов оиласи ақинда уч хонали уйга қўйиб ўтди.

— Бундан барчамиз хурсандимиз, — дейди Ж.Дадамұхамедов. — Президентимиз томонидан биз, ёш оилаларга берилаётган бундай эътибор ва гамхўрлик ҳаётда ўз ўрнинини топишимизда катта ёрдам бўлмоқда.

Туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бу ердаги мавжуд учта спорт мажмуаси ва қўллаб спорт клубларида минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланмоқда.

— Каратэ билан мунтазам шуғулланаман, — дейди «Қўрғонтепа» спорт мажмуаси тарбияланувчиси Салоҳиддин Мирзаев. — Бунинг учун мажмуаимизда барча шарт-шароит яратилган. Сунгги икки йил мобайнида жамоадорларимдан кўпчилиги шахар, мамлакат ва Осиё миқёсида ўтказилган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритди. Узим эса яқинда Италияда ўсмирлар ўртасида каратэ буйича ўтган жаҳон биринчилигидан олтин медаль билан қайтдим.

Туманда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг камровли ишлар ёшлар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига, билим ва маҳоратини намойиш этишига, уларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Ҳаётда «Қилмиш-қидирмиш» ёки «Бировнинг холига сен кулма зинҳор, сенинг ҳам холигига кулувчилар бор» деган ибораларни кўп ишлатамиз. Лекин унга ўзимиз унчалик амал қилмаймиз чоғи. Гап исботи билан дегандек бунга ўзимиз кўрган-кечирган бир мисолни келтирсак ўринли бўлар. Бой-бадавлат оиладан бўлгани учун мактабдош дўстимиз Шамсиддиннинг синфдош қизлар орасида ҳушторлари кўп эди. 9-синфин битирганимизда отаси унга «Москвич» машинасини совға қилди. Шамсиддин машина рулига ўтирганде ўзгалар унга ҳавас, баъзилар эса ҳасад билан тикилиб қолишарди. Ҳеч нарсадан камчилиги йўқ бўлишига қарамай, у ҳеч қачон ўзини бошқалардан устун қўймав, манмансирармас, қўлидан келганича дўстларига ёрдам беришга тайёр эди. Синфимизда энг интизомли, аълочи ўқувчилардан бири ҳисобланарди.

Мактабни битирув кечасида дўстимизнинг биз билан ёнма-ён партада ўтирган Севара деган қиз билан яқинлигини билиб қолдик. Иқовлар бил

диссертациясини ёқлади. Аёли Рухсора унинг оғирини енгил қилди. Ҳар ишда эрига қўмақлашди. Жондан азиз уй ўғил-қизни яхши тарбиялаб вояга етказди. Лекин афсуски, Севаранинг ҳаёти ўзи ўйлагандек яхши кечмади. Биринчи турмушидан ўзи ажралди. Ҳаётдан қолиб кетди. Иккинчи эри эса номардлик қилди. Уни икки бола билан ташлаб кетди.

Бир кун кечки пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан Шамсиддиннинг овози эшитилди. Ҳорма, бор бўл қилганимиздан кейин, «Эртага вақтингиз қанақа» деб сўради.

— Нима эди?

— Бир касалхонага ўтиб келардикда, — деди илтимос оҳангда.

— Тинчликми? — сўрадим.

— Тинчлик, Севара касалхонага тушиб қолди. Шунинг учун кўриб келсак дедим, — деб қолди.

— Қайси Севара? — тушунолмади сўрадим.

— Синфдошимиз Севарачи...

Ҳаммасига тушундим дўстимнинг тақлифидан лол қолдим. Ахир уни бошига оғир мусибат тушганда Севаранинг овози кетган қизнинг бугунги холига дўстимнинг қайғуриши мени таажжубга солди. Шу ҳақда оғиз

олдим.

— Ҳозир тушуми бўлмаса, ойликка яшашнинг қийин бўлиб қолди, — деди у ўзини оҳангда. — Бизга ўхшаб пулни пулга уриштирадиганларга бозор тузукрок экан...

Ушанда олтин медалга икки киши даъвогар эди. Лекин нима бўлдию, даъвогарлар четда қолиб медални Буривой илб кетди. Уртада анча гап-сўз бўлди. Юз амри иссиқлик қилиб ота-оналар ҳам, биз ҳам сан-манга бормадик. Кейин билсак мактаб маъмурияти Буривойнинг қайсидир базада бошлиқ бўлиб ишлайдиган отасининг юзидан ўтолмабди. Уша йили Буривойнинг омади келди. Биз киролманган институтга, у юқори балл билан кирди. Биз эса ҳарбий хизматга кетдик. Хизматни тугатиб қайтганда, институт кирдик. Унда дўстимиз Буривой олийгоҳни битириб арафасида эди. Йил ўтиб у диплом олди. Ўз соҳаси буйича алақайси хорхонда кичик муҳандис бўлиб ишлаш бошлади.

Йиллар ўтиб, уларимиз бўзилиб, ҳаммамиз турли томонлардан жой олиб кетдик. Шундан кейин Буривойни кўча-кўйда каттиқ маст ҳолатда бирикки бор учратдик. Лекин у бизни танимади. Ушандан бери мана бугун уни

Гулчехра САТТОР қизи

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

оқсам, у:

— Минг қилса ҳам одам. Бирга катта бўлганмиз. Шундай пайтда ўтишарин эслаб ундан юз ўғирсак инсофдан бўлмас, — деди.

Хуллас дўстимнинг кистови билан касалхонага бордик. Сўраб-суриштириб, Севара ётган палатага кирдик. Ранг кўр, хол сўр бўлиб, бемажол ётган Севарани дастлаб танимадик. У кутилмаган учрашувдан саросимада эди. Биз билан кўриша туриб, Шамсиддиннинг қўлини узоқ тутди. Кейин ичидан келган тўлғоқ билан:

— Сизнинг уволингизга қолдим, — дея баралла хўнграб юборди. Икки дўст иложи борича унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик. Кейин билсак Севара оғир дардга — рақ касалига мубтало бўлган экан.

қўриб туришим.

Йўлда бораётиб уйланаман. Пойдеворсиз зўрма-зўраки тикланган иморат вақти келиб барибир куларкан. Буривойнинг ҳозирги ҳолати бу фикрнинг тўғрилигини исботлаб берди.

МАНДА

МЕЪЁРДА ГАП КЎП

Инсон ўзини соғ-саломат туттиши учун таомни оз ва соз еиши керак. Керагидан ортиқча таом эса зарарликидир. Инсон нимаики иллатга юз тулса, албатта у ортиқча таом ейишдан зоҳир бўлади. Сабаби, кўп истеъмол қилинган овқат меъдага куч бериб унда ортиқча сафро ва зардоб ҳосил қилади.

Бир донишманд шундай дейди:

— Кам ейиш, кам гапириш, кам ухлаш, кам ишрат қилиш, ўзини ёқимли нарсалар билан муаттар қилиб юриш ва тез-тез ҳаммомга бориш кабилар одамнинг доимо соғ-саломат юришига сабаб бўлади.

У яна айтади:

— Ўзига нисбатан ўзгаларнинг ҳурмат ва эҳтиромини қозониш, дўстлар билан ҳушумомала бўлиш, уларнинг кўнглини олиш, бировларга ёрдам қўлини қўзиш саломатликни барқарор қилади.

Лўқмони ҳаким айтади.

— Эй дўст, сабр ва қаноатни ҳаммаша ўзингга йўлдош қил, нафсинг қуйига кирма, топганинга қаноат қил, кўп топишга интилма, таомдан ҳаммаша меъёрида истеъмол қил. Кам ейиш ва кам ухлаш сенинг ҳақиқий севганинг бўлсин. Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировага ҳам раво кўрма. Доимо тоза ва озода кийиниб юр.

Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

ИШНИ ЭНДИ ТОПИБДИ

Кийим-кечак бозорини айлиниб юриб, ёшликдаги мактабдош дўстимни учратиб қолдим. Узоқ йиллар кўришганимиз учун бу уша Буривойи ёки бошқаме деб бироз иккиланиб туриб қолдим. Бадавлат оиладан чиққан, мактабни олтин медаль билан тугатиб, қайсидир институтни тамомлаб, ўз йўналиши буйича муҳандислик қилаётган мактабдошимизнинг бир аҳволда кийим-кечак сотиб ўтириши мени таажжубга солди. У мени таниб ўрнидан турди. Кўришиб, хол-аҳвол сўрашдик.

— Нима қилиб юрибсан? — бирор нарсга қидириб юрган бўлсан менга айтавер, бир зумда ест қиланман, — деди у менга жилмайиб. Суҳбат асосида унинг ўз касбидан ваз кечиб (кейин билсам қувилган экан) анчадан бери савдога ўтиб кетганини билиб

қўриб туришим.

Йўлда бораётиб уйланаман. Пойдеворсиз зўрма-зўраки тикланган иморат вақти келиб барибир куларкан. Буривойнинг ҳозирги ҳолати бу фикрнинг тўғрилигини исботлаб берди.

қўриб туришим.

Йўлда бораётиб уйланаман. Пойдеворсиз зўрма-зўраки тикланган иморат вақти келиб барибир куларкан. Буривойнинг ҳозирги ҳолати бу фикрнинг тўғрилигини исботлаб берди.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: Мамлакатимизда туб ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги кенг камровли ишларни амалга ошираётганидан хабаримиз бор. Лекин вазирликнинг энг муҳим вазифалари хусусида кенгроқ тушунча олишни истардик.

Сирожиддин Усмонов, Зийвуддин Расулов, Миробод тумани

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ушбу вазирликнинг энг муҳим вазифалари нималардан иборат эканлиги аниқ белгилаб берилган. Улар қуйидагича:

- минтақалар буйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, демографик омилларни, иқтисодий тarmoқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шакллари кенг татбиқ этиш хисобига аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;
- демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни хисобга олган ҳолда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш буйича тақлифлар киритиш;
- ишга жойлаштиришга мўҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш буйича сифатли хизматлар кўрсатиш;
- аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш буйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камхарж оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган тарзда ва аниқ ёндошушни қучайтириш;
- меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Савол: Яқинда уйимизда ўтказилган бир йилнинг ворислик ва меросхўрлик ҳақида баҳс юритилди. Бирок бу баҳслар кўпроқ умумий шаклда бўлди. Агар мумкин бўлса, меросхўрлар, нолийк деб топилган меросхўрларни меросдан четлаштириш ва васият буйича ворислик хусусида кенгроқ маълумот берилса.

Саид Самадов, Юнусовод тумани

Жавоб: Аввало, кимлар меросхўр бўлиши мумкин? Фуқаролик кодексининг 1118-моддасида белгилаб қўйилганидек, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтда ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун буйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият буйича меросхўр бўла оладилар.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият буйича ҳам, қонун буйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилингандан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчига ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўларнинг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка қақурилишига ёхуд мероснинг ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши қўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома буйича ҳам, қонун буйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга қўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун буйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолийк меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкқий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси буйича суд томонидан белгиланади.

Ҳўш, васият буйича ворислик деганда нимани тушунамик? Бу ҳақда ушбу кодекснинг 1120-моддасида батафсил маълумот олишимиз мумкин. Яъни фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Унинг вақили орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисминини қонун буйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун буйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузиши мумкин.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз набабтида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини қўлашга ҳақли эмас.

Икром ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

“Лайли ва Мажнун”дан

(Олимжон Бўриев таржимаси)
Бу чарху фалакда кўнгулга ёқар
Йўқдир ошқликдан яхшироқ хунар.

Маъво бўлмас икки душманга бир боғ,
Шахбоз келганида учиб кетар зоғ.

Жафо қилганларга этмаслар вафо,
Жафокор жазоси бўлгуси жафо.

Хар дўст кўнгилларга чўқирса губор,
Ундай дўстдан бўлар ҳар кимса безор.

Ҳа, келмас яхшидан ёмонлик асли,
Ҳар кимдан туғилар ўзининг насли.

Кимки ватангадо, бўлса мусофир,
Уни ранжитмоқлик гуноҳи оғир.

Қисмат номасига ёзилган азал,
Ҳар билар ўзаро дўстдир ҳар маҳал.

Маъшуқа агарда дилдор бўлмагай,
Йўлида севгани ҳеч хор бўлмагай.

Давлат олиб бўлмас битта дирамга,
Айвон қуриб бўлмас боғи Эрамда!

Ҳа, шундоқ замона феъли эрур бас,
Даврондан тинчликни қилмагин ҳавас!
Юз йил чекканинга балою ситам,
Осуда ўтира олурсан бир дам.
Ўтирган жойингни иситмай аё,
Сендан қилмагай ул заррача ҳаё.
Қўлингдан тутиб дер, қани тез тургил,
Бошинга тепиб дер, тезроқ югургил!

Ҳа, сўзининг жилоси муҳаббатдандир,
Самовий зиёси муҳаббатдандир.

Дили қоралар-ла сафо бўлурми?
Жафо эвазига вафо бўлурми?

Вафо қондасин гуллар бузадир,
Эртароқ келса ким ўша узадир.

Тол билан чиқшгай қачон арғувон?
Ўғри билан қачон келишгай боғбон?

Эрдан рози бўлса агар ҳар сулув,
Мардлик қилиб, ундан сен қўлингни юв.

Истасанг, ҳар неки келар бунёдга,
Истасанг, душманлар етар муродга!

Ошиқ дўсти учун куйса умрбод,
Яхшидир, дўстини этса агар шод.
Ўз истакларидан мангу юз бурса,
Унинг бахти учун доим югурса.

Инсон вужудида бўлса агар жон,
Бир кун азоб билан чиқмоғи аён.
Жаҳонда дард чекиб яшайсан бир оз,
Кейин кийноғидан бўлсан халос.
Яшасанг азобдир, ўлсанг аламдир,
Э воҳ, бу дунёда гам узра гамдир!
Бу дарддан ҳар кимки чекинмоқ бўлур,
У ўз ўлиmidан олдинроқ ўлур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва жамоаси Тошкент Тиббиёт академияси даволаш ва тиббий-профилактика факультетларининг биоорганик ва биологик кимё кафедраси профессори, биология фанлари доктори Феруза Хидоятлова Иноятлованинг онаси
ТУХТАХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

— Биз истиқомат қилаётган бугунги дорилмон, нурафшон кундан олис мазорига назар ташласак, ўтган аждодларимизнинг нечоғлик улкан маънавият ва маданият соҳиблари бўлганлигининг гувоҳи бўламиз, — дейди тadbирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси директори Шахрофиддин Нуриддинов. — Биргина тарихнинг биз билган ва билмаган қатрида мангу порлаб турган, дунё цивилизациясида улкан илмий-тарихий аҳамиятга эга илмий-аҳамиятга эга китобини олиб қарайлик. Бундан 3000 йиллар илгари битилган бу нодир асарда инсониятни ҳали-ҳамон таажубга солиб келатган, кишини эзгу, хайрли ишларни бажаришга ундайдиган энг қисқа ва теран фикрнинг гувоҳи бўламиз. “Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал.” Мана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи ҳам бу дийрнинг кўҳна ва қадимийлигини, унда умргузaronлик қилаётган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг нечоғлик юксак салоҳият соҳиблари, илму фан эгалари бўлганлигини аёнлатади. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Биз дунё ҳамжамиятида кечганига пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг илдилашимиз дунё тамаддунида ўз айтар сўзи, алоҳида хурмат ва эътиборга молик бўлган буюк зотларга бориб тақалади. Шундай экан бугунги хур ва озод дийрда эркин ўқиб, илм олаётган ёш авлод ҳам ўзалигига мос комил инсонлар бўлиб камолга етмоғи лозим. Бундай тadbирлар замирида эса улкан маънавиятга йўғрилган умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, илм олаётган ёш авлоднинг тарихий анъаналари, маънавий қадриятлари, миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг илгор ютуқлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, маърифатли, билимли ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларининг ички маънавий дунёсини намоён этиш каби бир қатор ишларни амалга ошириш вазифаси мужас-

Тadbирлар
МАЪНАВИЯТ РИВОЖИДА КИТОБНИНГ ЎРНИ

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИДА «ТЕРАН ФИКР, ТЕРАН ЎЙ» МАВЗУИДА ТADBИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ХОДИМЛАРИ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДAVЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Шунингдек, тadbирда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, профессор Абдухалил Маврулов ҳам сўзга чиқиб, инсон тафаккурининг янада теранлашувида маънавий, маърифий, сиёсий, илмий ва дунёвий китобларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлади. Шунингдек, тadbирда сўзга чиққанлар инсон маънавий дунёсининг бойишида, онг ва шуурининг тиниқлашишида ушбу ҳамкорликдаги тadbирларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам айтиб ўтишди.
— Инсон маънавияти, маданияти, ақл ва идрокнинг юқори даражада шаклланишида китобларнинг ўрни беқиёсдир, — дейди Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, профессор Абдухалил Маврулов. — Айниқса инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган адабиётлар халқимиз турмушининг янада фаровонлашуви, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашда, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда ёшларга қўлланма, уларни эзгулик ва ахлоқий йўлга бошлашда эса асосий восита бўла оладиган китоблардир. Мазкур кутубхонада эса, аспирантлар ва талабалар учун ҳам барча замонавий қўлайликка эга бўлган шарт-шароитлар яратилган. Юқори техник жиҳозларга эга

бўлган кутубхонада электрон каталог орқали керак бўлган адабиётларни бир зумда топиш мумкин. Айниқса Ахборот-ресурс маркази бўлимида фойдаланиш ёшлар учун жуда ҳам қўл келади. Еш олимлар, магистр ва талабалар интернет орқали ҳам ўзларига керак маълумотларни топиш имкониятига эга. Институтимизнинг кутубхоначилик факультети талабаларининг аксарияти ушбу масканда малака оширадирлар. Бугунги ҳамкорликда ташкил қилинган тadbир эса фақат эзгулик йўлига хизмат қилади.
Шунингдек, тadbир доирасида кутубхона ходимлари, талабалар ҳам сўзга чиқиб ўзларининг мушоафали фирраларини ўртага ташлашди. Шарқ ва ғарб адабиётининг етук шoirлари ва ёзувчилари ҳақида ҳам сўз борди.
Мулоҳаза, мунозара, қизилқарғи фикр, савол ва жавобларга бой тарзда ақунланган тadbир барча иштирокчиларда бирдай илиқ таассурот қолдирди.
Гулнор САТТОРОВА

Спорт янгилликлари

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР ЯҚУНЛАНДИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ «УМИД» СПОРТ МАЖМУАСИДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА V РЕСПУБЛИКА ЎСМИРЛАР ТУРНИРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказилаётган турнир ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда халқроқ майдонларда муносиб иштирок эта оладиган спорт усталарини тайёрлашга қаратилган.
Бу галги мусобақага республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган 56 нафар 1996-1997 йилларда туғилган ўғил-қизлар иштирок этди. Мусобақа иштирокчилари жуфтлик ва яққа тартибдаги мусобақаларда ўзаро беллашди.
Ғолибларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар ушбу турнирни йилдан-йилга оммалашаётгани, ўсмирларнинг тайёрларлиги ҳар йилигиданда юқори эканлигини таъкидлашди. Спорт — бу инсон руҳиятининг тетиклигини, таннинг саломатлигини таъминлаши эътироф этилди. Айниқса, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида айтиб ўтилди.
Айтиш керакки, жамғарма томонидан турнирнинг барча иштирокчилари ва уларнинг мураббийлари учун турли тadbирлар ташкил этилиб, унинг доирасида Тошкент Давлат циркида қизиқарли дастурлар ҳамда шаҳар бўйлаб саёҳатлар уюштирилди.
Маросимда ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.
Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 27-ТУР БАҲСЛАРИДА ЯНА ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган «Бунёдкор» жамоаси Андижонда «ЎзДонгЖу» командаси меҳмони бўлишига қарамай тезроқ, комбинацион ўйин намойиш этиб 4:1 ҳисобида ажойиб ғалабага эришди. Шу кунги мухлислар Солиев, Луизао, Ривалдо сингари моҳир чарм тўп усталарининг чиройли тарзда киритган голларига гувоҳ бўлишди. Айниқса, 1999 йилги курраи заминнинг энг яхши футболчиси деб эътироф этилган Ривалдо томонидан киритилган иккита гол ҳамон бразилиялик юлдузининг спорт формасида эканлигини исботлаб турибди.
Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоа, амалдаги чемпион

«Пахтакор» ўз майдонида «Локомотив» билан куч синашиб шиддатли курашлар остида кечган беллашувида 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. 23-дақиқада Зайниддин Тожиев томонидан киритилган ягона гол «Пахтакор»га ҳам муҳим уч очкони тақдим этди.
Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 2:1, «Насаф» — «Машъал» — 2:3, «Бухоро» — «Металлург» — 0:1, «ОТМК» — «Навбахор» — 1:1, «Қизилқум» — «Андижон» — 0:0, «Нефтчи» — «Динамо» — 4:2.

ПОЙТАХТЛИК МЕРТАНЛАР СОВРИНДОР

ПОЙТАХТИМИЗДА КАМОНДАН ОТИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ.

Мусобақада 192 очко жамғарган Самарқанд шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин ғолибдан ўттиз очко ортада қолган Тошкент шаҳри мерганларига насиб қилди. Жами 158 очко тўплаган Тошкент вилояти спортчилари мусобақани кучли учликда яқунлади.
Чемпионатда ўзини кўрсатган спортчилар Ўзбекистон терма жамоаси сафида 2009 йилда Польшада бўладиган ёпиқ иншоотлардаги жаҳон чемпионатида қатнашади.

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

НАМАНГАНДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ИККИНЧИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ. БУ ЙИЛГИ МУСОБАҚАДА ОЛТИН МЕДАЛГА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ТОШКЕНТНИНГ «АРДУС» ВА ЗАРАФШОННИНГ «СТРОИТЕЛЬ»

ЖАМОАЛАРИ РАҚИБЛАРИНИ КЕТМА-КЕТ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТМОҚДА.

«АрдуС» футболчилари мезбонларнинг «Умид» жамоасига қарши ўтказилган бахсда 12:3 ҳисобида зафар қучди. Кейинги ўйинда тошкентликлар «Жиззах-С» жамоасини 7:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жами йигирма икки очко тўплади.
«Строитель» футболчилари эса анча кучли рақибларга тўқнаш келди. Аввалига Андижоннинг «Турон-С» жамоасини 3:2 ҳисобида енгган зарафшонлик чарм тўп усталари кейинги ўйинда ўтган йилги чемпион «Учқудук»ни 1:0 ҳисобида доғда қолдирди ва очколар ҳисобида «АрдуС»га етиб олди.
«Учқудук» футболчилари эса «Нафис» жамоаси устидан 16:3 ҳисобида қозонилган ғалаба эвазига 18 очко билан учинчи ўринга кўтарилди.
Турнирнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Жиззах-С» — «Строитель-ПЭМ» — 2:2, «Чотқол» — «Букинэй» — 3:4, «Строитель-ПЭМ» — «Нафис» — 9:1, «Умид» — «Букинэй» — 3:2, «Турон-С» — «Чотқол» — 6:1.
Боҳир БЕК

Қатрлар

МЕНИНГ НИГОҲИМ БИЛАН БОҚИНГ

Ўрик дарахтидан тўқилаётган олтинранг ҳазонларга менинг фикр, назарим билан боқинг-а, енгил тортасиз. Кексаликнинг ҳазин аломатларини эсга олмайсиз.
Баҳор тўлғоғидан новдаларда туғилган барглар ўз бағридаги меваларни пишунга қадар асраб-авайлайди. Табиат ҳам-лаларига чидаб қалқон бўлади. Дастурхонларни безаб, юракларга дармон бўлган меваларда ўша барг — кузги ҳазонларнинг баҳорий шашти ва гашти бор.
Умри баҳор фаслидаёқ кузникидек сарғайган «ҳазонларга» ҳам менинг назарим билан боқинг-а, юрагингиз увишади.
Навқирон ёшлигини меҳнатсиз, бекор ўтказиб, умрини эрта «ҳазон» қилган оттавоилардир бу ҳазонлар!
Ҳазонлар, ҳазонлар...
Менинг назарим билан боқинг-а, икки хил ҳазонларга...
АМАЛДА БЎЛСИН
— Икки ойдан буён шу китоб қўлимдан тушмайди. Китобдаги ҳикमतнома битикларни қайта-қайта ўқиб маза қиламан.
— Ундай бўлса кўпини ёддан биларсан.
— Зўра иккитасини.
— Мен бир ойда ўн бештасини ёдладим. Сеникидан хотирам зўр экан.
— Хотирамдан нолимайман. Битикларнинг ҳар бир сатрини амалий иш билан боғлаб ёдлаганим учун вақтим кўпроқ ўтди.
— Ўқиб ёдланса-ю, унга амал қилинмаса ҳаётимиз учун унда нима фойда? — дея сўхбатдошларнинг сўхбатига яқун ясади бир тингловчи.
Ғани АБДУЛЛАЕВ

«01»

«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. ОЛОВ ТУРМУШИМИЗДА КЕНГ ҚўЛЛанилади, АММО УНДАН Фойдаланишда ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ КўРСАТМАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ ЖУДА МУҲИМДИР.
Акс ҳолда эътиборсизлик оқибатида олов «тилсиз ёв»га айланиши мумкин. Оқибати эса маълум — фожеа рўй беради.
Шуни унутманг, ёнгинг хавфсизлигининг асосий қоидалари куйидагилардан иборат:
— Иситиш печларини ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъиян ман қилинади;
— Ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнаши ва уларни уйда ёлғиз қолдириш мумкин эмас;
— Турар жой уйларининг томларида ҳашак, ўтин ва бошқа тез аланга олувчи нарсаларни сақлаш тақиқланади.
— Азиз ҳамшаҳарлар, ёнгинг хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш — ҳар бир фуқароннинг ўзи яшаб турган уй, мол-мулки, ўз яқинларининг ёнгинг офатидан тан жароҳат олиши, ҳатто ҳалок бўлиши ҳолатларининг олдини олиш кафолати эканлигини унутмайлик. Қиш мавсумида барча электр тармоқлари, электр иситиш ускуналари ва печларининг созлигини текшириш, болаларимизнинг олов билан ўйнашларига йўл қўймастик, хавфли офат саналмиш ёнгинг келиб чиқишининг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.
Мурод АСАДОВ,
12-ҳарбийлашган ёнгинг хавфсизлиги отряди ёнгинг хавфсизлиги бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФойДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТAШКИЛОТЛАР РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси ОАЖ электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади.
Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур. Шартномалар куйидаги талаблар бажарилганда тузилади:
• Ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда;
• 2008 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганда.
Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайдиган ҳамада уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.
«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маъмурияти

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3282 нухсада босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
5